



ОҒЗАКИ МУЛОҚОТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

З.Йигиталиева

ФДУ, ф.ф.ф.д.

Француз тилшуноси Эмиль Бенвенист ўзининг тилшуносликка бағишланган асарида инсонга икки марта ҳаёт берилган: биринчи бор инсон забонсиз, иккинчи бор эса забонли [2] яралган, деган фикр орқали тилнинг, хусусан, нутқнинг инсон ҳаётидаги, жамиятдаги мавқеини нақадар юқори эканлигини белгилаб беради. Инсонни жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, шахс сифатида шаклланишида ҳам нутқ муҳим омил саналади. Бу эса ундан нутқнинг ёзма ҳамда оғзаки турларидан бирдек моҳирона фойдалана олишни, коммуникатив қобилиятга, кўникмага эга бўлишни тақозо этади.

Оғзаки нутқ ҳақида сўз борганида адабий тилнинг функционал шакли тушунилади. У инсонга коммуникатив фаолиятни бевосита амалга ошириш имкониятини яратади. Мулоқот пайтидаги норасмий муҳит, вазиятга ҳамоҳанг бўлган нутқ, унинг тасодифийлиги, қисқа муддатга мўлжалланганлиги ҳамда нутқ ва фикрнинг симультанлиги оғзаки нутқнинг асосий хусусиятларидан саналади. Шунингдек, мулоқотнинг ҳар қандай турида бўлгани каби оғзаки нутқда ҳам адресант, адресат ҳамда ахборот унинг асосий унсурларидан ҳисобланади.

Илмий адабиётларда оғзаки нутқ борасида турли қарашлар кўзга ташланади. Хусусан, рус тилшуноси Е.А.Брызгунова оғзаки нутққа фонетик нуқтаи назардан ёндашади ва уни “товушли”, “жарангдор нутқ”, деб номлайди. Унга кўра, оғзаки нутқ “артикуляцион-акустик жараён бўлиб, у сўзловчи томонидан яратилади ва тингловчи уни бир ифода ёки бир неча ифодалар кетма-кетлиги сифатида идрок этади. Ушбу ифодалар лексик, грамматик, интонацион жиҳатдан боғланган ҳолда яхлит структурани ташкил қилади ва маълум маъно ҳамда эмоционал-стилистик мазмунни шакллантиради” [3, 25].

Антик даврга оид илмий адабиётларданок оғзаки нутқнинг “диалог, полилог ва монолог” [8] каби шакллари фарқланишини кўришимиз мумкин. Бу даврда “диалогга тилнинг “табiiй” шакли сифатида, монологга унинг “сунъий” шакли, полилогга эса бир неча шахснинг мулоқоти” [8], деб қаралган. Булар ичида диалог шахслараро оғзаки вербал фаолият тури сифатида кўплаб тадқиқотчиларнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Диалогнинг бирдан ортиқ шахслар мулоқоти эканлиги, унда ижтимоий мулоқот қоидаларини амал қилиши ва қатнашувчиларнинг индивидуал дунёқараши, субъектив позициясини юзага чиқиши нафақат лингвистиканинг, балки бошқа (фалсафа, маданиятшунослик, психология, нейропсихология в.б.) фанларнинг ҳам тадқиқот объектига айланишига сабаб бўлди. Диалог атамасига тадқиқотчилар томонидан берилган таърифлар унга турлича ёндашувлар натижаси эканлигини англатади. *Диалог* сўзи юнон тилида “суҳбат”, “сўзларнинг овозли жаранглаши” [7, 89],



яъни сўзлаш маъноларини англатади. Бу эса ўз-ўзидан диалог моҳиятан нутқ билан боғлиқ эканлигига ишора қилади. Рус файласуфи ва адабиётшуноси М.Бахтин асарларидан бирида диалог тушунчасига “башарият учун зарур бўлган идрок қилиш усули” [1, 230] сифатида баҳолайди, бошқа бир асарида эса “бир овоз хеч нарсани англатмайди ва ҳал қилмайди. Икки овоз – ҳаётнинг минимуми, умрнинг минимуми” [1, 230], дея диалогнинг аҳамиятини белгилашга ҳаракат қилади. Шунингдек, олим диалогни ҳаракат, деб англаш кераклигини, диалог инсон характерини очиб берувчи усул эмас, балки унда инсон ўзини қандай бўлса, шундай намоён қилиш” [1, 80] имкониятига эга эканлигини таъкидлайди. Немис файласуфи В.Гегель ҳам ўз асарларида диалог ҳақида фикр юритади. У инсон онгини диалогик табиатга эга эканлигини ва ушбу онг доим кимгадир йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, диалог “бошқалар учунгина мавжуд бўлган онг”, эканлигини эътироф этади. Кўринадики, диалог оғзаки нутқнинг бир шакли бўлиб, унда сўзловчи шахснинг соф “Мен”и намоён бўлади ва у атрофдагилар билан коммуникатив алоқага киришади. Мулоқотнинг ҳар бир ифодасида сўзловчи муайян этник, миллий, маданий хусусиятларга эга шахс сифатида гавдаланади.

Мулоқотга бўлган эҳтиёж, коммуникатив мақсад оғзаки нутқнинг ҳар қайси турининг бошланиш нуктаси ҳамда унинг муваффақиятли яқунланишини белгилаб беради. Сўзловчи оғзаки мулоқотга киришар экан, унинг “дунёқараши, идрок қобилиятининг тингловчи дунёқараши, идрок қобилияти билан ўхшашлиги, интенциясини тингловчи томонидан англашилиши, реал воқеаларнинг лисоний тасвирини сўзловчи томонидан турли усуллар қўллаш орқали ўзгартира олиш қобилияти”ни [8] мавжудлиги оғзаки мулоқотни муваффақиятли кечишида муҳим омил саналади. М.С.Каган ўзининг «Мир общения» асарида ёзганидек, “оғзаки мулоқот – бу мураккаб тизим бўлмиш субъектларнинг алоқа шаклидир. ... Унда ҳар бир йўналлаётган хабар суҳбатдош томонидан таҳлил қилинади ва ўзгартирилган, бойитилган ва қайта таҳлил қилинган ҳолда унга қайтарилади” [5, 55]. Табиийки, ахборотга тингловчи онгида ишлов берилиши ва маълумотлар билан бойитилиши бу унинг онгида аввало, модусни шаклланганлиги натижасидир. Зеро, “нутқий мулоқот жараёнида лисоний система воситалари орқали сўзловчи томонидан юборилган ахборот тингловчи онгида умумий денотатив қиймат билан қабул қилинади. Фикр ёки ахборотни ифодалаш ёки қабул қилиш жараёнида сўзлашувчилар онгида филтрлаш босқичи юз беради. Натижада ифода таркиби пропозицияга асосланган модал структурани ташкил этади” [4, 57].

Дарҳақиқат, суҳбатдошларнинг йиққан ҳаётий тажрибаси, ўхшаш қизиқишлари, манфаатлари ва маданий қоидалари ўзаро тушуниш жараёнини осонлаштиради. Илмий адабиётларда бу ҳолат *апперцепция*, деб номланади. Апперцепция атамаси лотин тилидан *ad-ga*, *perceptio*—*идрок*, *қабул қилиш*, деб таржима қилинади ва психология фанида “*идрок* жараёнини шахснинг аввалги *билим* ва тажрибалари, қизиқиши, эҳтиёжи ва одатлари, ёши, жинси, маълумоти, касби, умуман психик



хаётнинг барча мазмуни билан боғланиши”ни [7] англатади. Атама мазмунидан кўринадики, кишилар ўзининг интеллектуал, ижтимоий ва психологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда атрофдаги нарса ва ҳодисаларни идрок қиладилар. Айнан апперцепция ҳодисаси туфайли кишилар идрокнинг мазмуни бир-бирдан фарк қилади. Масалан, «модда» сўзини физиклар тинч ҳолатда массага эга бўлган зарралар мажмуи, кимёгарлар эса бир кимёвий элемент атомларидан иборат оддий ва кимёвий бирикмалардан тузилган мураккаб моддалар, хукукшунослар эса конситуация ва кодексларни ташкил этувчи таркибий қисм, деб идрок қиладилар. Демак, кишиларнинг апперцепцион ҳолати предмет ва ҳодисаларн идрок этиш ва уларга баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади ва улар мулоқотга киришганларида иштирокчилар ҳақида маълумот беради, яъни улар қандай апперцепцион базага эга эканликларини намоён этадилар. *Апперцепцион база* атамаси илк бор Л.П. Якубинский томонидан мулоқот иштирокчилари эга билим ва ҳаётий тажрибаларга нисбатан қўлланилади. У нутқнинг вербал, семантик ва синтактик структуралари ёрдамида шаклланади. Апперцепцион база мулоқот пайти актуаллашади ва ўз мазмун-моҳиятига кўра барқарор ва вақтинча кўринишларга эга бўлади. “Шахснинг дунёкараши, эътиқоди, идеали, билим ва маданий савияси, касби ҳамда қизиқишлари”га [7] алоқадор апперцепция барқарор ҳисобланса, унинг “идрок жараёнидаги ҳиссий ҳолати, кайфияти” [7] билан боғлиқ тури вақтинчалик, деб номланади. Зеро, инсоннинг кайфияти ва руҳий ҳолати ҳам ўзгарувчандир. Репликалар кетма-кетлиги ҳамда мимика, жест, оҳанг, овоз тембри каби паралингвистик воситалар ҳам ушбу апперцепцион базани ифодалайди. Шундай қилиб, мулоқот иштирокчиларини ўзаро ўхшаш апперцепцион базаларга эга бўлишлари нутқий актни муваффақиятли кечишини таъминлайди.

Шундай қилиб, оғзаки мулоқот шундай бир фаолиятки, унда адресат ва адресантларнинг билим ва кўникмаси, ҳаётий тажрибаси, руҳий ҳолати, маънавий-маданий жиҳатлари уларни қуршаб турган объектив олам, коммуникатив вазият, яъни контекст ва конситуация, билан уйғунлашган ҳолда ўз аксини топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Художественная литература, 1963.
2. [Бенвенист Э. - Общая лингвистика / Под ред. Ю.С. Степанова \(1974\)](#)
3. Брызгунова Е.А. Интегральное описание русской звучащей речи // Фонетика в системе языка. Тезисы II Международного симпозиума МАПРЯЛ. — М.: УНИКУМ-ЦЕНТР, 1996.
4. Йигиталиева З. Тилнинг модал структураси ва модуснинг ифодаланиши. Ф.ф.ф.д. диссер. Фарғона, 2021.
5. Каган М.С. Мир общения: Проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988.



6. Хайдеггер М. Бытие и время. – Харьков: Фолио, 2003.
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/appertseptsiya-uz/> (Мурожаат санаси: 15.10.2022, 14.40)
8. <https://www.textologia.ru/russkiy/kultura-rechi/razgovornaya-rech/pragmatika-i-stilistika-razgovornoy-rechi-usloviya-uspeshnogo-obscheniya/870/?q=463&n=870>
Культура русской речи / Под ред. Л.К. Граудиной и Е.Н. Ширяева — М., 1999 (Дата обращения: 15.09.2022, 15.20)
9. Muratovna, Y. Z. (2022). ADVERTISING AND ITS TYPES (COMPARING THE GERMAN AND UZBEK LANGUAGES). *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 620-623.
10. Muratovna, Y. Z. (2021). Modern Interpretation of Language Modal Structure. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).
11. Muratovna, Y. Z. (2022). EXPRESSION OF EXPRESSION IN ADVERTISING TEXTS (COMPARED TO UZBEK AND GERMAN). *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 686-690.
12. Yigitalieva, Z. (2023). Aktualization Of The Modus Through Logic Stress. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 19, 58-62.
13. Йигиталиева, З. М. (2023). МОДУС КАТЕГОРИЯЛАРИГА ОИД НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(9), 16-19.
14. Йигиталиева, З. М. (2023). НУТҚИЙ ТАЪСИР НАЗАРИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА МОҲИЯТИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(9), 20-24.
15. Йигиталиева, З. (2023). СЎЗЛОВЧИ СУБЪЕКТНИНГ ИЛЛОКУТИВ АКТЛАРДАГИ ФУНКЦИЯСИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(5), 5-9.